КУН ТАРТИБИДА — ПАХТАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

7 октябрь куни Тошкентда пахта бўйича халқаро консультатив қўмитанинг 55-ялпи мажлиси иш бошлади. Пойтахтимиздаги «Интер континентал» меҳмонхонаси муҳташам залида анжуманнинг расмий очилиш маросими бўлди. Уни мазкур халқаро қўмитанинг ижрочи директори жаноб Л. Шоу очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади. Президент анжуман иштирокчиларини қутлаб, пахта етиштирувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг биргаликдаги фаолияти яхши самара беришини таъкидлади.

Мажлисда АҚШ, Франция, Англия, Ҳиндистон, Аргентина, Судан каби дунёнинг турли мамлакатларидан келган олим, мутахассис ва ишбилармон доиралар вакилларининг пахта бозори фаолиятини яхшилаш, 2000 йилгача пахта нархлари таҳлили, 90-йилларда пахтачилик истиқболлари мавзуидаги маърузалари тингланади. Анжуман қатнашчилари хўжаликларда бўлиб, Ўзбекистонда пахта етиштириш тажрибаси билан танишадилар.

Мазкур халқаро анжуман арафасида Тошкент кўркигакўрк қўшган «Интер континентал» меҳмонхона мажмуи қуриб битказилди. Президент Ислом Каримов меҳмонхонани кўздан кечирди. «Интер континентал» компаниясининг Марказий ва Шарқий Европа минтақаси бўйича вице-президенти В. Кросвичик ҳамда меҳмонхона бош директори П. Боссел билан халқаро мезонларга жавоб берадиган ушбу ноёб иншоотнинг қурилиши, ишга туширилиши ва ундан фойдаланиш масалалари хусусида суҳбатлашди.

Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қўмита мажлиси пайтида.

С. ЗУФАРОВ ва А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПАХТА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАСЛАҲАТ ҚЎМИТАСИНИНГ 55-ЯЛПИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хонимлар ва жаноблар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлиси иштирокчиларини Ўзбекистон пойтахтида қутлаш менга мамнуният бахш этади. Учрашувимиз самарали бўлишига аминман. Бу учрашув пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланаётган барча мамлакат ва ташкилотлар ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тошкентдаги ялпи мажлисда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, Жаҳон савдо ташкилотининг, Жаҳон банкининг вакиллари иштирок этаётгани унга алоҳида аҳамият бахш этади.

Бремен, Ливерпуль пахта уюшмалари, Нью-Йорк пахта биржаси вакиллари шаънига табрик сўзлари айтишга ижозат бергайсизлар. Уларнинг мазкур мажлисдаги иштироки Ўзбекистон пахта индустриясининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини ишончли тарзда кўрсатиб турибди. Республикамиз пахта индустриясини тарғиб қилишда **«Коттон аутлук»** нашриёти Ўзбекистон тўғрисида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаб, салмоқли иш қилди.

Бутун пахтачилик олами пахта экини қадимий даврлардан буён маълум бўлган Ўзбекистон заминида тўплангани чуқур рамзий маънога эга.

Бу диёрда истиқомат қилаётган кишилар қадимий замонлардан буён сахий заминда пахтани, айтишим мумкинки, зўр бериб, қатъият билан меҳнат қилишни, билим ва тажрибани талаб қиладиган бундай нозик, инжиқ экинни етиштириш билан шуғулланиб келади. Пахта Ўрта денгиз соҳилларига, Яқин Шарқ ва Кичик Осиёга Марказий Осиёнинг қоқ маркази — айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган.

Мустақиллигимизнинг беш йили мобайнида пахтачилик соҳасини ривожлантиришнинг стратегияси қайта кўриб чиқилди. Мазкур стратегиянинг мақсади янги илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда тола етиштиришнинг энг мақбул ҳажмини сақлаб қолган ҳолда пахта якка ҳокимлигини тугатишдан иборат. Мувофиқлаштирилган аграр сиёсатни ўтказиш — пахта етиштиришни барқарор қилиш, 1,3 миллион тонна рақобатбардошли тола ишлаб чиқариш имконини берди.

Шуни айтиш лозимки, янги навларни жорий этиш ва агротехникага риоя қилиш ҳисобига пахта майдонларини камайтириш республикамизга дон етиштиришни 3 баравардан зиёдроқ кўпайтириш имконини берди. Бу эса, пировард натижада, Ўзбекистоннинг дон мустақиллигини таъминлайди.

Бизнинг пахтамиз Европада етакчи ўринни эгаллаб, Жанубий Америка ва Жануби-Шарқий Осиёда етиштирилган тола билан муваффақиятли равишда рақобат қилмоқда, АҚШ бозорига чиқиб олди.

Ўзбекистон асосий пахта етиштирувчи давлатлардан бири сифатида бу соҳани янада ривожлантириш учун кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Айни пайтда пахтачиликда фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжуд.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг 1992 йилда пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасига аъзо бўлганининг аҳамияти беқиёсдир.

Бу ташкилотнинг ишида иштирок этиш фақат пахта етиштирувчилар учун эмас, уни қайта ишловчилар, экспортчилар, олимлар учун ҳам қимматли илмий-техника ахборотларини айирбош қилишни таъминлайди. Пировард натижада, мустаҳкам ҳамкорлигимиз туфайли, Ўзбекистон пахта етиштириш ва сотишнинг жаҳон тажрибаси марказига чиқиб олди.

(Давоми 2-бетда).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 8 октябрь, сешанба № 130 (22.051).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ҚЎШНИМИЗ ТИНЧЛИГИ – БИЗНИНГ ТИНЧЛИГИМИЗ

СУРАТДА: Алмати учрашувидан лавҳа.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Биз, Алмати учрашуви иштирокчилари, Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида фикр алмашиб, Афғонистондаги қуролли тўқнашувлар миқёси кенгайиб бораётгани ва бу ҳаракатларнинг тобора кучайиб, тинч аҳоли ўртасида оммавий қурбонларга сабаб бўлаётганидан, қочоқлар ва мажбурий кўчманчиларнинг янги-янги оқимларини пайдо қилаётганидан жиддий ташвишланаётганимизни билдирамиз. Қатл этишлар ва отиб ташлашлар, собиқ Президент Нажибуллонинг вақшийларча ўлдирилиши тангликни кучайтириб, Афғонистондаги вазиятни умуммиллий ҳалокат ёқасига олиб келмоқда, афғон давлатчилигининг барбод бўлиши хавфини туғдирмоқда.

Уруш алангаси МДҲга аъзо мамлакатлар чегарасига яқинлашиб келмоқда. Бу ҳол мазкур давлатлар ҳамда бутун ҳамдўстликнинг миллий манфаатларига бевосита хавф туғдириб, минтақавий ва халқаро вазиятни беқарорликка олиб келади.

Биз Афғонистон чегарасидаги МДҲ давлатлари билан барқарорликка путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни маъқуллламаслигимизни баён қиламиз. Бундай хатти-ҳаракатлар ким томонидан содир қилинган бўлмасин, бу давлатларнинг умумий манфаатларига хавф сифатида баҳоланади ва 1992 йил 15 май куни Тошкентда имзоланган коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартноманинг 4-моддасига биноан, уларга ҳудди шундай жавоб қайтарилади. Учрашув иштирокчилари ҳамдўстликнинг коллектив хавфсизлик кенгашига мурожаат қилади ва МДҲнинг жанубий чегараларида вужудга келаётган вазиятни тезлик билан кўриб чиқиб, ҳамдўстликнинг ташқи чегаралари хавфсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришга даъват этади.

Биз Афғонистондаги урушаётган томонларни, энг аввало толибларни уруш ҳаракатларини зўлик билан тўхтатиб, умуммиллий тотувликка эришиш йўлларини қидиришни бошлашга даъват этамиз. Афғонистонда узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган урушни тўхтатиш пайти етди. Бу ишда суверен Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш асосий шарт бўлиши лозим.

Биз БМТ Хавфсизлик Кенгашининг уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳамда Афғонистондаги зиддиятни сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама бошқариш, жаҳон ҳамжамияти томонидан тинч аҳоли ва қочқинларга мурувват ёрдами берилиши юзасидан тезкор чора-тадбирлар белгилаш учун манфаатдор мамлакатлар иштирокида зўлик билан махсус мажлис ўтказишини таклиф этамиз.

Алмати,
1996 йил 4 октябрь.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 октябрь куни Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви муносабати билан Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарларининг Алматида бўлиб ўтган учрашувида қатнашди.

Афғонистонда «Толибон» ислом ҳаракати пойтахт Кобулни эгаллаши, мамлакатдаги қарамақаршилик кайфияти ва қуролли тўқнашувларнинг кескинлашуви афғон халқи бошига турли қулфатлар солган можарони тинч йўл билан ҳал этиш эҳтимолини бутунлай хавф остида қолдирди. «Толибон» ҳаракати аъзоларининг қуплаб хунрезликлар содир этиши, ўта муросасиз ҳаракатлари жаҳон жамоатчилиги, аввало, Афғонистонга қўшни минтақадаги давлатларни жиддий ташвишга солмай иложи йўқ эди.

Қолаверса, Афғонистондаги бу воқеалар қўшни Тожикистондаги вазиятни янада чигаллаштириши мумкин. Шу боис, мамлакатимиз Миллий Хавфсизлик Кенгаши мажлисида таъкидланганидек, «Ўзбекистон қўшни давлатларда юз бераётган бу воқеаларга бефарқ қараб тура олмайди.» Шунингдек, «Толибон» ҳаракати Афғонистоннинг шимолий ҳудудларини эгалласа, жаҳон матбуоти катта ташвиш билан таъкидлаётганидек, бу Тожикистон ва Ўзбекистонга ўзининг жуда салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни чеклаш тўғрисидаги ташаббуси ёдга тушади. Мамлакатимиз раҳбари нуфузли халқаро ташкилотлар минбаридан туриб, бир неча бор жаҳон жамоатчилиги эътиборини мазкур масалага қаратган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг мажлисларидан бирида ҳам ушбу ташаббуснинг муҳокама этилиши бежиз эмасди. Албатта, бу йўл билан муаммо бирданига ҳал бўлиб қолмайди, лекин, оловни ўчириш учун аввало унга ёғ қуйишни тўхтатиш лозимлиги барчага аён.

Доно халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор. Алматидаги олий даражадаги учрашув ва унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қатнашишига худди шу нуқтаи назардан қараш жоиз.

Шу куни Алматидаги Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси ҳукумат раҳбари Виктор Черномирдин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ўзаро учрашдилар. Мамлакатлар раҳбарларининг ҳоли суҳбатида Афғонистон ва Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазиятнинг кескинлашиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган таркибдаги учрашув бўлди. Унда Афғонистонда юзага келган вазиятнинг мазкур мамлакатлар хавфсизлигига дахлдорлиги, унинг олдини олиш учун умумий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиши лозимлиги таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари ушбу воқеа юзасидан ўз нуқтаи назарларини изҳор этиб, минтақадаги ҳар бир давлат манфаатларига мос умумий чора-тадбирларни белгилаш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда МДҲнинг коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартномаси доирасида ўзаро келишиб ҳаракат қилиш борасида фикрлашдилар.

Муҳокамалар ва фикрлашувлар якунида Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Саммит ниҳоясида делегациялар раҳбарлари журналистлар билан учрашдилар. Унда Афғонистондаги воқеалар Марказий Осиё минтақасига таъсир ўтказадиган бўлса, МДҲнинг коллектив хавфсизлик шартномасига аъзо давлатлар ўзларининг жавоб чораларини кўриши, жафокаш афғон заминида тезроқ тинчлик ўрнатилиши ҳамда унинг ҳудудий яхлитлиги сақлаб қолиниши лозимлиги таъкидланди.

Маълумки, шу кунларда «Толибон» ҳаракати Афғонистоннинг тўртдан уч қисмини эгаллаган ва мамлакатнинг шимолий қисмига яқинлашиб келаётир. Бу ерда эса генерал Абдул Рашид Дўстум ўз мавқеини мустаҳкамлаб турибди. Агар «Толибон» ҳаракати мамлакат шимолини ҳам эгалласа, Ўзбекистоннинг жанубий чегаралари ёнига келиб қолади. Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга «Ўзбек генерали Дўстумга ҳарбий ва сиёсий ёрдам бериш керак деган масалага сизнинг муносабатингиз қандай» дея савол берилди.

Президент Ислом Каримов журналистлар эътиборини аввал ҳам бир неча бор таъкидлаган масала — Абдул Рашид Дўстумнинг кўплаб оммавий ахборот воситалари томонидан «Ўзбек генерали» деб аталишига қаратди. У аввало, ўзбек генерали эмас, афғон генералидир. Мисол учун Ўзбекистонда қайси миллатга мансуб генерал чиқмасин, у ўзбек генерали, шу мамлакат ва шу замин фарзандидир. Чунки у аввало ўша юрт манфаатини ҳимоя қилади. Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб генерал бўлса, у «корейс генерали» бўлиши керакми...

— Афғонистон шимолида уч миллионга яқин ўзбек яшайди, — деди Президент Ислом Каримов. — Уларга Ўзбекистон фақат инсонпарварлик ёрдами кўрсатади, холос. Шунингдек, биз уларни электр энергияси билан таъминлашда кўмаклашамиз.

Мамлакатимиз раҳбари Абдул Рашид Дўстумга бошқа йўсинда ёрдам бериш масаласи, агар лозим топилса, МДҲдаги ҳамкорлар билан биргаликда муҳокама этилиши кераклигини айтди.

Журналистлар билан учрашувда мазкур давлатлар ўз ҳарбий қисмларини маълум бир ҳудуд ёки чегара яқинига сафарбар этишни режалаштирмагани маълум қилинди.

Шу куни кечқурун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Алматига сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА махсус мухбири.
Алмати.

ТЎЙГА ТЎЁНА БЎЛДИ

ФАРҒОНА. Ҳамза шаҳридаги Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида суркаш мойлари ишлаб чиқарадиган янги қурилма фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қуввати 4 минг тонна бўлган бу қурилма Марказий Осиёда ягонадир. Шунисе диққатга сазоворки, бу қурилма Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи ўзининг 90 йиллигини нишонлаётган тантанали кунларда ишга туширилди. Ўзбекистондаги энг кўҳна бу саноат корхонаси юбилейида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, "Ўзбекнефтгаз" миллий корпорациясининг раиси Қ. Ҳаққулов ва Фарғона вилоят ҳокими М. Исломовлар иштирок этишди.

Алишер ИБОДИНОВ.

СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР СОАТДА

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида футболга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Нукус шаҳрида футбол мактаб-интернати очилди. Унинг асосий мақсади — профессионал футбол клубларига етакчи футболчилар тайёрлаб бериш. Янги ўқув йилида мактаб-интернатга республика шаҳар ва туманлари футбол ишқибозларидан 10-11 синф ўқувчилари қабул қилинди. Бу ерда уларнинг футбол сирларини чуқур ўрганишлари учун барча имкониятлар яратилган.

ФУТБОЛ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

СУРХОНДАРЁ. Музработ туман маданият уйи қошида пахта йиғим-теримида иштирок этаётган теримчи ва шаҳарлик ҳашарчиларга маданий хизмат кўрсатувчи махсус гуруҳ тузилган. Унга санъаткорлар билан бирга тиббий хизмат, дорихона, янги адабиётлар ва вақтли матбуотдан иборат кўчма кутубхона ҳам киритилган. Улар бугунги кунгача туманнинг "Туркистон", "Янгиобод" жамоа хўжаликлари далаларида меҳнат қилаётган пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишди. Энди навбат бошқа хўжаликларга.

ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Ш. ИСЛОМҚУЛОВ.

БУХОРО. Ўзбекистон — Булғория қўшма корхонаси — "Ситора"нинг маҳсулотларига кун сайин талаб ошмоқда. Чунки корхонанинг йиғув цехида булғор телефонлари ишлаб чиқариляпти. У ҳар томонлама чидамли ва қулайдир. Цех ишчилари яқинда хорижлик шерикларидан 20 минг дона телефон ускуналарини олдилар. Айни пайтда улар бир кунда юзлаб ана шундай телефон ишлаб чиқаришяпти.

БУЛҒОР ТЕЛЕФОНЛАРИ БУХОРОДА ЙИҒИЛЯПТИ

Даврон БАҲРОНОВ.

СЎНГГИ "ЁШЛИК" ТАШАББУСИ СОАТДА

ТОШКЕНТ. Талабалар шаҳарчасида илм-толиблари учун яна бир қулайлик яратилди. Уларнинг маданий дам олишлари учун бу ерда ҳафтанинг ҳар жума куни савол-жавоб кечаси ўтказилмоқда. Толиблар эса қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда. Талабалик, она-Ватан, мустақилликни тараннум этувчи турли куй, қўшиқ ва шеърлар кечага файз бағишламоқда. "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлигида ўтказилаётган тадбирни келгусида институтлар ўртасида ҳам уюштириш кўзда тутилган.

Улуғбек ХОНҚУЛОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПАХТА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАСЛАҲАТ ҚЎМИТАСИНИНГ 55-ЯЛПИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз Жаҳон банки билан биргаликда республикада пахта етиштиришни қайта қуриш лойиҳасини ишлаб чиққан қўмита ва унинг котибияти мададини жуда қадрлаймиз.

Бизнинг асосий мақсадларимиз қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, пахта ҳосилдорлигини ошириш;

иккинчидан, пахта толасининг сифатини яхшилаш;

учинчидан, юқори сифатли уруғлик етиштиришни кўпайтириш ва шу йўл билан уруғчилик маданиятини ошириш;

тўртинчидан, экинларни суғоришда сувни тежаш;

бешинчидан, атроф-муҳитни соғломлаштириш, экология вазиятини яхшилаш.

Пахта лойиҳасининг муҳимлиги ҳисобга олиниб, ҳукумат қарори билан республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида бу лойиҳани амалга ошириш билан бевосита шуғулланадиган агентлик тузилди.

Ҳурматли дўстлар!

Пахта, бутун пахта саноати қудратли ва кенг тармоқли, юз минглаб кишилар банд бўлган инфраструктурани ўз ичига олади.

Бу соҳада қишлоқ хўжалик машинасозлиги муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам машинасозликни ривожлантиришда жаҳондаги эътироф этилган етакчилар билан биргаликда куч-ғайратларимизни бирлаштирмоқчимиз.

Бу йўналишда биз Американинг трактор ишлаб чиқарадиган «Камминз энжин» фирмаси ҳамда пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган «Кейс» фирмаси билан ҳамкорликни ривожлантирмоқдамиз. Бу ҳамкорлик деҳқончилик маданияти ва самарадорлигини оширишга, ҳосилни йиғиштириб олиш суръатларини тезлаштиришга имкон беради.

Британиянинг «Мередит Жонс» фирмаси билан биргаликда Фарғона водийсида амалга оширилаётган лойиҳалар жамоа хўжаликлари негизида пахта етиштириш ва йиғиштириб олишнинг илғор усуллари ҳамда пахтани қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар маркетинг асосида бутун қишлоқ хўжалик мажмуини қайта қуриш ва такомиллаштиришнинг янги моделини яратишга имкон беради.

Хонимлар ва жаноблар!

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ғўза жуда катта имкониятларга эга бўлган ноёб экинлардан биридир. Шу сабабли пахта фақат толани қайта ишлаш эвазигагина эмас, бошқа жиҳатлардан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда катта аҳамиятга эга.

Масалан, тозаланган пахта ёғи ишлаб чиқариш ҳажми 300 минг тоннани ташкил этади. Бу эса республика аҳолисининг юқори сифатли ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлабгина қолмай, ёғни экспорт қилишга ҳам имкон беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Германиянинг «Луизенталь» фирмаси билан биргаликда барпо этилган корхоналарда юқори сифатли қоғоз, шу жумладан пул чиқаришда ишлатиладиган қоғоз тайёрланмоқда.

Олдимизда ёғ-экстракция заводларида тиббиёт ва техникада ишлатиладиган госполни катта миқдорда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ва ўсиш стимуляторларини ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, ғўзапоядан кенг кўламда целлюлоза ишлаб чиқариш вазифаси турибди.

Бироқ биз пахта савдосида Ўзбекистоннинг ўрнини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашни асосий вазифа деб биламиз. Биз Ўзбекистон пахта толасини экспорт қилиш бўйича жаҳонда эгаллаб турган иккинчи ўринни сақлаб қолишга қатъий аҳд-паймон қилганмиз.

Шу мақсад йўлида пахта таснифи, маркетинг борасидаги илғор усулларни қўллаш, ходимларни ўқитиш соҳасида хорижий компаниялар билан ҳамкорлик тобора тез суръатлар билан кенгаймоқда.

Масалан, «Донавант» (АҚШ) компанияси Мемфисдаги пахта мактабида, Рода коллежи қошидаги халқаро пахта институтида ўзбекистонлик мутахассисларга маркетинг ва пахта таснифи бўйича таълим беришда ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар имтиҳон топширанларидан сўнг АҚШ Қишлоқ хўжалик вазирлиги таснифчиларининг шаҳодатномасини оладилар.

Шунингдек, биз «ВЭКфилд» (Буюк Британия), «Эс Жи Эс», «Робертсон» (АҚШ) ва бошқа компаниялар билан ҳам биргаликда фаол ишламоқдамиз.

Яқин келажакда пахта сертификат омборлари қурилишига зарур сармоя ажратилади. Бу эса импортчиларнинг пахта толаси тури ва уни жўнатиш муддатларига талабларини тўлароқ қондириш имконини беради.

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларга яхши маълумки, Ўзбекистон бевосита денгизга чиқа олмайди. Демак, экспорт-импорт юкларини ташиш учун самарали транспорт йўлларининг мавжудлиги ташқи савдомизда жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан экспорт ва импорт товарларини ташишнинг янги йўналишлари ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда. Улар орасида Поти ва Батуми портларигача борадиган Транскавказ йўли бор. Шунингдек, Қозоғистондаги Дўстлик станцияси орқали Евроосиё темир йўлига қўшилиб, Хитойнинг Янь Юньғай портига чиқишга имкон берадиган Трансосиё темир йўлидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Бу — толамизни истеъмолчиларга қисқа муддатларда етказиб бериш имконини беради.

Ҳурматли меҳмонлар!

Биз Тошкентда Ўзбекистоннинг сахий замини деҳқон меҳнатига сахийлик билан ўз бойликларини ҳадя этадиган олтин куз пайтида тўпланиб турибмиз. Пахта заминимизда етиштириладиган маҳсулотларнинг энг муҳимидир.

Мен ушбу мажлиснинг барча иштирокчиларига меҳмондўст Ўзбекистонга келиш имкониятини топганлари учун миннатдорлик изҳор этаман. Барчангизга саховатли ўзбек диёрида бўлган вақтингиз самарали ўтишини, жаҳон пахтачилик соҳасининг гуллаб-яшнаши йўлида муваффақиятли ишлашни тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

Ўзбекистон ХДП МК Котибиятида

Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг 1996 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда иштироки тўғрисида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти зҳматкаш пахтакорларимизнинг жорий йилнинг ноқулай об-ҳаво шароитларида мўл-кўл ҳосил етиштирганликларини қайд этди. Уни нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш — умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига молик долзарб ватанпарварона вазифадир, дейилади ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда. Зеро, халқ хўжалигимизда пахтанинг аҳамияти ниҳоятда катта, кўпгина ширкатлар, жамоа ва фермер хўжаликлари иқтисодиётида эса, у етакчи ўрин эгаллайди.

Шуларни ҳамда пахтакорлар, механизаторлар, пахтани қайта ишлаш саноати ходимлари сафларида кўплаб партиямиз аъзолари борлигини инобатга олиб, Ўзбекистон ХДП кўпгина кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари йиғим-терим мавсумидаги ўз вазифаларини аниқлаб олдилар. Партиямиз бир қатор вилоят ҳамда туман кенгашлари пахта ҳосили йиғим-теримида иштирок этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, ХДП аъзолари, барча фуқароларни ушбу мавсумда фаол иштирок этишга даъват этувчи мурожаатномалар қабул этдилар. Сирдарё вилоятида пахта теримига сафарбарликни таъминлаш мақсадида шу йил 23-28 сентябрь кунлари сиёсий ҳафталик ўтказилди. Қашқадарё вилоят партия кенгашининг ижроия бюроси илғор теримчиларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун мукофотлар таъсис этди. ХДПнинг талай туман кенгаш ва бошланғич ташкилотлари пахта теримига кўнгилли ҳашарчиларни жалб этиш, теримда банд бўлганларга маиший-маданий хизмат кўрсатишга кўмаклашишни йўлга қўйдилар. Партиямиз газеталари терим боришини мунтазам ёритмоқдалар.

Юқорида зикр этилганлар асосида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, туман партия кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларига, пахта йиғим-теримида иштирок этиш ХДП ҳар бир аъзосининг юксак ватанпарварлик бурчи эканлигидан келиб чиқиб, 1996 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, ширкатлар, жамоа ва фермер хўжаликлари бошқарувига яқиндан ёрдам беришни тавсия қилди. Қарорга кўра, барча даражадаги партия кенгашларининг пахта йиғим-теримига сиёсий, маданий-маиший жиҳатдан кўмаклашиш тадбирлар режасини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқишлари ва уларни қатъийлик билан амалга оширишлари лозим, деб топилди.

МК Котибияти қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларида раҳбар лавозимларда ишлаётган ХДП аъзоларининг пахта йиғим-терими учун масъулиятини оширишни кўзда тутиб, уларнинг ҳисоботларини партия кенгашлари ижроия бюролари ва бошланғич ташкилотлар мажлисларида эшитиб бориш амалиётини маъқуллади.

Партия нашрлари таҳририятларига пахта йиғим-теримида намунали ишлаётганлар, теримчилар меҳнатини яхши ташкил қилаётганлар фаолиятини мунтазам ёритиш билан бирга, мавжуд камчилик ва нуқсонларни ҳам кўрсатиш, уларнинг сабабларини очиб ташлаш топширилди.

ХДПнинг барча даражадаги кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари ўзларининг аҳоли ўртасидаги оммавий-сиёсий ишларида, хусусан, йиғим-терим мавсумида иштирок этаётганларга республика Олий Мажлиси VI сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг мазкур сессиядаги нутқи аҳамиятини чуқур тушунтиришга алоҳида эътибор берсинлар, деб таъкидланди қарорда. Шунингдек, улар зиммасига пахта етиштиришдаги Андижон тажрибасини оммалаштиришнинг чора-тадбирларини кўриш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Сўнгги пайтларда айрим Москва нашрлари ўз ўқувчилари эътиборини нима қилиб бўлса-да, Ўзбекистонга қаратиш қайғусига тушиб қолдилар. Коса тагида нимкоса борлигини билмаган ўқувчи «Хўш, бунинг нимаси ёмон? Мустақил Ўзбекистонимизга жаҳон назари тушиб турган, иқтисодий-ижтимоий тараққиётимизнинг ўзбек модели дунё мутараққий давлатлари томонидан эътироф этилган бир пайтда шимоллик қўшниларимиз ҳам қизиқишаётгандирлар-да», дея мулоҳаза қилиши мумкин.

Таассуфлар бўлсинки, «Независимая газета», «Сегодня», «Комсомольская правда», «Московская правда», «Известия» газеталари ва бошқа бир қатор нашрларнинг тахламлари билан танишиш беихтиёр шундай таассурот уйғотадики, бу мақолалар бир мақсадда — Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиш, аниқроғи, Ўзбекистон ва унинг теварагидаги барқарор вазиятга раҳна солишни кўзда тутиб ёзилган.

АЛАҲСИРАШ

Донишмандлардан бирига шундай савол беришибди: «Ниманинг чаққани ёмон?». «Ҳайвонлардан илоннинг, одамлардан ёлғончининг!» дея жавоб берибди донишманд

Лисонимизда тан ҳарорати кўтарилганида одамнинг тиббий ҳолатини ифодаловчи шундай бир сўз бор: важара. Иситма важара қилган одам сўзига эғалик қила олмай қолади — алаҳлайди. Нима деяётганининг фаҳмига бормай, росту ёлғонни фарқлаб ўтирмай, бўлар-бўлмас гапларни айтаверади.

«Независимая газета»нинг 25 сентябрь сонида эълон қилинган мақола номини қаранг: «Гражданлар уруши мамлакатни парчалаб ташлашга олиб бормоқда». Тагсарлавҳа бундан-да ажабтовур — «Тожикистонни бўлиб юбориш хавфи замирида «буюк Ўзбекистон» барпо этиш ғояси ётибди». Мақолада ёзилишича, «Ўзбекистон республиканинг Турсунзода ва Ленинобод вилоятининг қатор туманлари каби бир қанча шимолий ҳудудларини ўзига қўшиб олди.

Тожикистондаги гражданлар уруши даврида Ўзбекистон махсус хизмати ходимлари ҳар икки урушаётган тожик кучлари томонида фаолият кўрсатиб, улар ўртасида нафрат, адоват ва низо уйғотган».

Ҳаётга назар солган киши бу гапларнинг чиндан ҳам алаҳсираш эканлигини билиб, ёқа ушлайди: Астағфурулло!

Ахир, мақолада келтирилган ҳудудлар қандай бўлса шундайлигича суверен Тожикистон таркибида эканлиги беш қўлдай аён-ку! Бу ўринда чечен-рус урушида тўкилган қонлар камлик қилгандай, мутлақо тўқиб чиқарилган «тожик-ўзбек зиддиятини» қўмсаётганларнинг қўли борлигини яққол сезиш мумкин.

Бир ёлғон чиппакка чиқиб қолса, бошқаси кор қилиб қолар, деган илинжда «Ўзбекистонда 6 миллион тожик яшайди, бутун республика бўйича эса 10 тожик мактаби бор», деб иккинчи бир ёлғонни тиқиштирганига нима дейсиз? Эслатиб қўймоқчимиз: Ўзбекистонда 1 миллион 100 мингдан зиёд тожик яшайди ва бу аҳоли умумий сонининг 4,8 фоизини ташкил қилади. Тожик мактаблари сони эса 293 та. Шунингдек, 539 рус, 288 қозоқ, 28 қирғиз, 37 туркман мактабларида мустақил мамлакатимизнинг ёш авлоди ўзбеклар қатори тенг шароитларда таълим-тарбия олишмоқда.

Мазкур мақола, бир сўз билан айтганда, бориб турган бузғунчилик. Энг ёмони, қўшни, қондош-қариндош икки республика ўртасида миллатлараро адоват уйғотиш, тарихан шаклланган сарҳадларни бузишга қаратилган душманлик акциясидир.

Очиғини айтиш керак, Россия нашрларида мустақил Ўзбекистонни салбий ранглларда кўрсатиш, барча жабҳаларда ҳаётини миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойиллар руҳида янгилаётган озод халқнинг бунёдкорлик меҳнатини камситишга қаратилган мақолаларга ўрин берилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, халқаро муносабатларда эришаётган ютуқларимиз оламга аён. Чамаси, бу айрим пинҳоний кучларга маъқул келмаяпти. Яна ўша «Независимая газета» 27 сентябрь сонида шундай деб ёзади: «Ўзбекистон мустақиллиги байрам қилинган кунларда «мустақиллик» сўзини одамлар «мустаҳкам қуллик» деб аташаяпти». Бу, аслини олганда, мустақиллик йўлида дадил илгарилаб бораётган давлатни ўзгалар нигоҳида бадном қилишга бўлган уринишдир.

Ўзбекистон мавзуида «донишманд»лик қилиш борасида «Комсомольская правда» газетаси ҳам орқада қолмасликка чиранаётган кўринади. Айнан шу газета Чеченистон ҳақидаги «Ҳалокатли транзит-1» деб номланган мақолада уялмай-нетмай «эртак» тўқийди. Бу «эртак»да ҳикоя қилинишича, гиёҳвандлик моддалари Афғонистондан расмий равишда «Дудаев режими» учун Грознийга «Самарқанд» аэропорти орқали «ўтказиб қўйилган» эмиш. «Ишончли манбалар»дан айтишларича, бу ишга «юксак мартабали раҳбарлар» аралашган. «Эртак»ларига ўзлари ишонишсин! Ўзбекистон сарҳади халқаро гиёҳвандлик бизнесига мустаҳкам қўрғон бўлиб турибди. Ўзбекистон орқали олиб ўтилмоқчи бўлинган, қўлга туширилган ва мусодара қилинган тонналаб гиёҳванд моддалар расмий доиралар ва журналистлар иштирокида йўқ қилинганлиги ҳақидаги Халқаро ташкилот ҳисоботи ўзимизда ва чет эл матбуотида кенг ёритилди.

Табиийки, газета умид қилган шов-шув унинг ўз саҳифасидаёқ жон таслим қилди. Газета эса миқоллаб йиғиб келаётган обрўйини ўз ўқувчилари олдида ботмонлаб йўқотди.

Сирасини айтганда, аҳлбовар қилмас, ажабтовур ёлғонларнинг бири пуфакдек ёрилиши билан бошқа бир нашрда унинг иккинчиси пайдо бўлади. Бугунги кун ҳаётига оиди иш бермаса, тарихдан ўтирик сўзласак ишониб қолишар, деб хаёл қилишади, номаълум манбаларга «асос»ланишади. Мисол учун, «Известия» газетаси («Темур ворислари ўз йўлларидан бормоқдалар». 1996 йил 1 октябрь) ёзишича, 1864 йили «Тошкент ҳокими шаҳарнинг барча 12 дарвозаси калитларини генерал Черняевга Қўқон хонлигидан шаҳарнинг ҳимоячиси» сифатида топширган эмиш. Жаноб журналист, чамаси, Тошкент, аввало, Қўқон хонлигига қараганлиғини, Тошкент ҳимоясида хон навкарлари турганлигини, генерал Черняев шаҳарни очлик ва сувсизликка маҳкум этиб, бегуноҳ одамлар қонини тўкиб босқин билан олганини, ён-атрофдаги қишлоқларда ҳатто бешикдаги болаларни тиғдан ўтказдирганини билса ҳам, билмасликка олади ё билишни истамайди.

Ҳа, мана шундай алоқ-чалоқ гаплар. Шундайку-я, аммо алаҳсираётган одамнинг кўнглида нима муддао ётганлигини ҳам айтмасак бўлмас.

Келинг, буни айтишдан аввал мустақиллик арафасидаги ва унинг дастлабки йилларидаги ҳаётимизга бир назар солайлик. Шўролар давридан бизга нима мерос қолган эди? Тарихи таҳқирланган, маънавий мероси топталган, далалари-ю аҳолиси заҳарланган, саноати ривожланмаган аграр бир ўлка. Мутелик ва қуллик асорати. Давлат бошқаруви издан чиққан, пароканда ижтимоий ҳаёт. Ўша йилларда кўп нарсалардан тақчиллик бўлиб, очарчилик остонасига бориб қолганмиз.

Бирин-кетин рўй берган Фарғона, Паркент, Бўка, Ўш фожиалари. Мана шундай бир шароитда мустақилликка эришиб, юртбошимиз раҳбарлигида янги ҳаёт қуришга киришдик. Энг аввало, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, аҳиллик ва миллатлар ўртасида тотувлик қарор топди. Республикамиз тараққиётининг бешта асосий қоидага асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий тамойилларини ишлаб чиқдик ҳамда уларни изчил, босқичма-босқич амалга оширишга киришдик. Бугун фахр ва ифтихор билан айтамизки, жонажон диёримиз дунё мамлакатлари шодасида марҳондек товланиб турибди. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва иштироки тобора юксалиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маънавий янгиланиш ва тараққиётнинг Ўзбекистон модели ўзини тўла-тўкис оқлаганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бундан бутун халқимиз, бизга дўст кўзини тиккан олис-яқиндаги барча хайрихоҳ кишилар мамнун.

Ўзбекистонни яна қайтадан мустабидлик комига тортмоқчи бўлганлар доғда қолишди. Мана шу аламзадалик Россиядаги айрим сиёсий кучларнинг уйқусини ўчирмоқда. Улар мартабали нашрлар журналистларининг бошларини айлантириб, ўзларига оғдириб, ноғораларига ўйнатмоқдалар. Бундай пинҳон кучларнинг мақсадлари аён: Ўзбекистондаги барқарор вазиятга раҳна солиш. Бир халқни иккинчи бир халқ номидан бадном қилиб, ораларига низо уруғи сепиш, ва ниҳоят, ўзбек халқининг миллий шаъни, миллий ғурурини камситиш. Шу йўл билан иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда қадам-бақадам, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларни обрўсизлантиришдан, чет эл инвестициялари йўлига ғов солишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиздаги барқарор вазият, аҳолининг нисбатан яхши турмуш шароити, ислоҳотлар йўлида олға қўйилаётган дадил ва ишончли қадам Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги одамлар қалбида ҳам ҳавас уйғотмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, мамлакатимизда яшаётган руслар ҳам аҳил ва тотув турмуш кечиришмоқда. Аҳоли кўчиб кетиши тўхтади. Мана шундай манзур бир ҳолат Россияда кимларгадир ёқмаётганлиги аниқ.

Ўз ўқувчисини ҳурмат қилган ҳар қандай нашр адолат мезони билан иш тутиши лозим. Адолат мантиғи шундан иборатки, Ўзбекистон мунтазам суръатда ўз саноат қувватини ошириб, янгидан-янги иқтисодий муносабатлар ўрнатиб бормоқда. Бу борада янги ё эски ҳамкор бўлсин, ўзаро тенг шериклик қоидаларига қатъий амал қилмоқда. Давлат бозор иқтисодиёти йўлида собит илгарилаб бораётир. Устувор йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Бу, бир томондан, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иккинчи томондан, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашга бўлган қатъий ҳаракатдан иборат.

Мамлакатимизда нафақат иқтисодиёт, балки тарихий, маънавий қадриятларга, маърифатга ҳам катта эътибор берилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш диққат марказида. Кундек равшан нарсалардан кўз юмиб бўладими?

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис 6-сессиясида алоҳида таъкидлаганидек: «Чекланган тафаккур, мафкуравий қарамлик, боқимандалик билан боғлиқ барча нарса ўтмишга айланмоқда, кишиларимизда мамлакат ичидагина эмас, балки унинг тақдирисида ҳам содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида ўзимизнинггина эмас, бошқа мамлакатлар мисолида тўпланган, кичик бўлса-да, бироқ анчагина аччиқ тажриба одамларнинг кўзини очди, улар зийраклроқ ва бошқаларга нисбатан сабр-бардошлироқ бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз, фарзандларимиз келажагини қуриш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Бундай кишиларни ҳеч қандай куч билан ўзлари танлаб олган йўлдан орқага қайтариб бўлмаслигига ишончим комил!».

("Халқ сўзи"нинг 5 октябрь сонидан олинди).

Миллат ва маънавият

КЎНГИЛ МАРТАБАСИ

Маънавият — иштиёқ ҳосиласи, маъно-мақсад сари талпиниб яшаш тарзи.

Сир эмас, советлар замонида миллатнинг иштиёқи сўндирилди, ҳаёт маънисиз (тўғрироғи беъмани) томошага айланди. Лекин ҳар қандай тузум ҳам тараққиёт истайди. Тараққиёт деган муъжизанинг асоси эса халқнинг мислсиз ижодий, ақлий салоҳиятини юзага чиқаришда. Бироқ коммунистик мафкура фуқаронинг руҳини кўтариш, иштиёқини қўзғатиш воситасида эмас, мудом қўрқитиш, ақлни шоширириш асосида иш битиришга мослашган эди. Коммунистларнинг иш услуби замирида қанча кўп қўрқса, шунча тез ва соз бажаради деган маъно яширин эди. Бу ҳолат халқ онгига шу қадар сингиб кетган эдики, раҳбар дейилса, аксарият бақирувчи, сўкувчи ва ҳатто калтакловчи ҳуллас, жазоловчи одам тушуниларди. Аммо кечаги кечмишимиз тасдиқладики, қўрқув билан қилинган ишда ҳеч бир ҳикмат бўлмас экан. Шу боис, неча йилдирки, анчагина давом этган тузумнинг ибрат дегулик бирор жиҳатини тилга олган зотни кўрмадик.

Истиқлол руёбга чиқди-ю юрт эгалик бўлди. Мулк шаклари ҳам ҳақиқий соҳибкорлар — ташаббускор, ишбилармон кишилар қўлига ўта бошлади. Муҳими, инсоннинг кўнгли эгалик бўлди — қалб эътиқодга, дину иймонга кирди, халқ мафкуравий ақидалар асосида эмас, инсоний таомиллар тақозосига кўра яшашга ўтди. Ҳуллас, эркинлик шабадаси фуқаронинг онгу шуурини, руҳиятини ҳам поклади.

Лекин барчага кундек равшанки, бугун жамиятда бойликка ружу (эътиқод дейишга тил бормайди) қўйган тоифа ҳам шаклланмоқда. Уларнинг худоси — пул! Таассуфли жиҳати шундаки, бу тоифа кечаги жамият бағридан ҳеч бир маънавий ўзгаришсиз чиқиб, эътиқодсиз ҳолда бойимоқда. Бинобарин бойлик уларнинг эътиқодига айланмоқда. Бироқ оддий халқ назарида бундай «эътиқод»дан кўра, мустабид тузум давридаги эътиқодсизлик ҳолати минг чандон афзалроқ бўлиб кўринмоқда. Зеро, кечаги эътиқодсиз одамнинг қўлида қуч — бойлик йўқ эди ва у, табиийки, жамиятга ахлоқий, маънавий жиҳатдан салбий таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрум қилинганди. Бугунги эътиқодсизнинг ихтиёрида эса пул, яъни давлат бор. Бинобарин, у жамиятдаги инсоний муносабатларга салбий таъсир ўтказишга ҳам қодир. Бир сўз билан айтганда, йўқсил, қашшоқ эътиқодсиз одамдан кўра, бадавлат эътиқодсиз одам хавфлироқдир. Негаки, у бойлиги воситасида эътиқодли, юксак маънавиятли, аммо моддий жиҳатдан ночор тоифани хоҳлаган фурсатда ўзига тобе қилиб олиши мумкин.

Албатта, биз барпо этаётган ҳуқуқий жамиятда бир кимсанинг иккинчи биров устидан зулм ўтказиши ва таҳқирлашига асло йўл қўйилмайди. Лекин бу назарияда шундай. Маънавий таъсир масаласи ўта нозик бир масалаки, унинг на ижобий, на салбий оқибатларини аниқ ҳуқуқий мезонга солиб ўлчаб булади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказ раҳбарлари ва бошқарув аъзолари билан учрашганида ҳудди шу нарсага ургу бериб, «Маънавиятнинг аниқ мезони йўқ», дедилар. Демак, бойликни эътиқод қилиб олган ва ундан бошқа нарсани тан олмайдиган одамларнинг ҳамда уларнинг хатти-ҳаракати воситасида шаклланадиган носоғлом бойлик мафкурасининг салбий таъсири мавжуд экан, жамият олий мақсад йўлидан шитоб билан тараққий этиши ғоят мушкул. Бундай таъсир оқибатида халқнинг буюк ғояларга бўлган ишончи сўнади, маънавияти гариблашади. Бу жараённи теран ҳис этган юртбошимиз ўша учрашувда аниқ ва лўнда қилиб, «Маънавиятнинг бош ҳимоячиси Президентдир», деди. Ушбу фикр Президент халқ иродасининг ифодачиси эканини яна бир бор ёрқин намойиш этди. Менинг назаримда, юртбошимиз айттан гап замирида маънавиятга қилинган зўғум — давлатга қилинган зўғум деган маъно яширидек туюлди. Бежиз эмаски, ўша учрашувдан уч-тўрт кун ўтибоқ имзоланган Фармонда «Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидир» деган сўзлар ёзиб қўйилди. Яъни, давлатнинг мамлакатдаги маънавий тараққиёт учун ҳам масъул экани ҳуқуқий асосда мустаҳкамланди.

Эътибор берилса, ўша учрашувда ва Президент Фармонида «Келажаги буюк давлат» ҳамда «баркамол инсон» иборалари талай ўринда ёнма-ён қўлланган. Шу далилнинг ўзиёқ маънавият мамлакат тараққиётида нечоғлик муҳим ўрин тутишини таъкидлайди. Бинобарин, буюк давлатни буюк инсонлар барпо этади. Инсоннинг мислсиз қудрати, ақлзаковати ва иродаси, аввало, унинг маънавиятида намоён бўлади. Мамлакатимиз раҳбари, биринчи галда, миллий давлатчилигимизнинг маънавий асослари — халқнинг ижтимоий кайфияти, ишонч-эътиқоди, Ватанга муҳаббати, истиқлолга садоқати — барча-барчасини мустаҳкам негизда ривожлантиришга эътиборни қаратаётгани бежиз эмас. Зеро, буюк аждодларимиз — ҳукмдор, файласуф ва шоир боболаримиз ҳар қандай давлат тақдирини охир-оқибатда инсоннинг кўнгил ҳолати, сажияси, нафсга муносабати ҳал этишини кўп бор таъкидлаганлар. Чунончи, Темурийлар салтанатининг маънавий таянчи бўлган Алишер Навоий бундай деган эдилар:

То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Дарҳақиқат, буюк давлат пойдевори, аввало, ҳар бир фуқаро қалбида маънавият шаклида барпо бўлиши лозим. Шунда бу бинони ҳаётга кўчириш — кўнгил амалини ҳаёт амалига айлантириш осон кечади. Мамлакатимизда айнан шундай йўл танланди ва бу йўлда изчиллик кўзга ташланмоқда. Зикр этилган учрашувда Ислом Каримов бир неча бор, «Маънавиятсиз келажак йўқ», деб таъкидладилар. Менинг назаримда, бу гап замирида Алишер Навоий сатрларига ҳамоҳанглик бордек туюлди: токи ҳар бир фуқаро ўзини маънавий жиҳатдан поклаб, миллат саодати, мамлакат ободлиги йўлида сафарбар этмас экан, буюк келажак обидаси — озод ва обод Ватанни авлодларга мерос қолдиришимиз даргумон.

Яна бир ҳақиқатни юртбошимиз мудом такрорлаб келадилар: мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар жойларда оддий одамлар онгига етиб боряптими, уларнинг маънавиятига ижобий таъсир этяптими? Бу сўзлар руҳидан ҳам ўша ҳақиқат — токи оддий фуқаро бахтиёр бўлмас экан, давлат, жамият чинакам саодатга эришолмайди деган маъно англашилгандек булади.

Маълумки, буюк аждодларимиз бойликнинг ўзини эмас, унга нотўғри — эътиқодсиз, мақсадсиз муносабат маҳсули — ёвуз нафсни қоралаганлар. Зеро, бойлик инсон қўлида зулм қуроли ҳам, эзгулик воситаси ҳам бўлиб хизмат этиши мумкин. Бироқ собиқ тузум бойлик жами офат-балолар манбаи деб «таълим» беришдан чарчамасди. Шу боис, халқда унга эътиқод тақозо этган даражада (ҳолбуки, эътиқоднинг ўзи қувғинда эди) маданий муносабат қуникмаси шаклланмади. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, истиқлол бўлиб, имкониятнинг барча эшиклари ланг очилгач, эътиқод истаганлар эътиқодли, бойлик истаганлар бадавлат бўлиб қолди. Энди бугунги кунда бир тарафнинг эътиқоддан ўзга арзигулик ҳеч вақоси йўқ, иккинчи томоннинг эса эътиқоддан булак барча нарсаси муҳайё. Албатта, ҳар икки тоифа ўзича — эътиқодлилар эътиқоди завқини суриб, бойликка қўмилганлар барча моддий ноз-неъматлар ҳузурини кўриб яшайвериши мумкин. Ҳар ким ўз аравасига ўзига ҳўжайин, қаёққа қараб судраса — ўзининг хоҳиши. Бироқ унутмаслик керакки, икки ўртада халқ, миллат, Ватан сингари муқаддас қадриятлар бор. Улар алоҳида шахснинг эътиқодидан ҳам, бой-бадавлат кимсаларнинг зеб-зийнатидан ҳам юксакроқдир.

Бугун биз тарих чорраҳасида турганга ўхшаймиз. Ўтмиш ҳам, келажак ҳам, ҳозирги дамлар ҳам гўё кўз ўнгимизда бор зиддиятлари билан ястаниб ётгандек. Тақдир бизни чор тарафга назар ташлаб, зарур хулосалар чиқаришга чорлаётгандек. Зеро, бугунги кун маънавияти ўйламоқ, фикрламоқ ва уларнинг барчасидан ҳикмат туймоқни тақозо этади. Ҳолбуки, ҳаётда беҳикмат нарса йўқдир.

Муртазо ҚАРШИБОЙ.

Мулоҳаза

ЭРКАЛИККА БАХТ ИНМАС

Оила — жамиятнинг бир бўлаги, келажак қўрғони. Кўп нарса ана шу қўрғондаги муҳитга боғлиқ. Яхшилик уруғи ҳам шу макондан тарқалади. Кексаларнинг тинчлик-хотиржамликни берсин, деб дуо қилишлари ҳам шундан. Эрхотин ўртасидаги муомала эса фарзанд тарбиясида ё ибрат, ё ғурбат. Қуш уясида кўрганини қилади-да. Шунинг учун меҳр бўлинмасин, фарзанд уйдан безмасин... Афсуски, шундай ота-оналар борки, фарзандларининг юриш-туриши, ўқиши билан умуман қизиқмайди.

— Фарзандни ҳадеб кўкларга кўтариб мақтайвериш ҳам ярамайди, — дерди қўшнимиз. — Чунки у бундай мақтовлардан талтаяди. Ота фарзандни тергаяптими, онанинг ўртага тушмагани маъқул. Боланинг бети қотиб, отага ҳурмат йўқолади. Ўз билганидан қолмайдиган, айтганни бажармайдиган бўла боради.

Яқинда бир «бизнесмен» бола билан танишдим.

— Ўрта мактабнинг 7-синфида ўқияпман, — дейди йўл четида «майда-чуйда» хориж молларини сотиб ўтирган, ўзини Нодир деб таништирган йигитча.

— Мактабни тугатганингдан сўнг ким бўлмоқчисан?

—«Бизнесмен». Қулайи шу экан. Ҳар куни 300-400 сўм пул чўнтакка тушиб турибди. Бунинг нимаси ёмон? «Ипподром» омон бўлса яқин йилларда чўнтагимиз қуруқ қолмайди.

— Нима, олий ўқув юртида ўқимоқчи эмасмисан?

— Ўқиб нима қиламан. Беш йил бекорга кетади. Ундан кўра кўчада ўтирсам ҳам машинали бўламан, ҳам ҳовли-жой сотиб оламан. Қолаверса, ҳозирги пайтда ўқимаса ҳам бўлаверади-ку. Олий маълумотли қўшнимиз бор. Уни бир ойда олган маошини мен уч-тўрт кунда топаман...

— Китоб ҳам ўқиб турасанми?

— Жа, қийнавордиз-у мани. Китобиз нимаси?..

Мана сизга 14 ёшли «бизнесмен»нинг аҳволи. Наҳотки бойлик ҳамма нарсадан устун ва афзал. Маънавият ҳам пулга топилармикан?

—...Қамоқхонадан келяпман, — дейди таниш аёл чуқур ва ҳорғин тин олиб. — Жигаргўшам, тилаб олган ёлғизимни қамашди. Емадик, едирдик. Айтганини муҳайё қилардик. Мактабни битиришига машина совға қилувдик. Ичадиган одат чиқарди. Тунлари санқийдиган бўлди. Ўқишни тугатишига яқин қолганда... Бир қиз билан бўлиб гуноҳи азимга қолди. Шунга ҳам бир йил бўлди. Мени тириклайин гўрга тиқди.

Унга термуламан: мунгли кўзларида ҳорғинлик. Сочидаги оқ кўпайибди. Қат-қат ажинлар. Тўладан келган бу ожиза бир йилдаёқ озиб-тўзибди... «Олти ой бўлди, дадаси ҳам фарзанд доғида дунёдан ўтдилар», — дейди у.

Далда берган бўламан: ўйламанг опажон, ҳаммаси яхши бўлади, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Ўн йил ҳам ўтар... Шундай дейману хаёлга чўмаман. Ахир инсон дунёга бир марта келади-ку. Онанинг чеккан азоб-уқубатларини ўғил эрта бир кун билармикан?

Бу ҳам берилган тарбиянинг «меваси». Бола бошдан деганларидек, ҳар бир нарсанинг илдизи бўлади. Бу илдиз эса оилавий маънавият чашмасидан сув ичса, ривожига қараб ота боғбон, она соҳибкор бўлиб турса комил, солиҳ ва меҳрибон фарзанд бўй бергусидир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.



Тўхтанг, суратга оламан. **Рустам ШАРИПОВ олган сурат.**

Умргузарон одамлар

ТОМАСНИНГ БИР ЯРИМ АСРИ

Узоқ умр кўрган инсонларда қандайдир сир бордек туюлади. Сири шуки, қандай қилиб узоқ яшайди!

Британиялик фермер Томас Парр 152 йил яшаган. У 1483 йилда Шропшир графлиги остидаги Албербери қишлоғида фермер оиласида туғилди. Негадир Томас 80 ёшгача бўйдоқ юрган. Биринчи марта уйланганда Томас 80 дан ошган «қирчиллама йигит» эди. У 100 ёшга кирганда ота бўлди.

Унинг баъзи феъл-атворидан эса черков авлиёларининг тепа сочи тикка бўларди. 100 ёшга кирган Томасни ҳатто черковдагилар «ахлоқсизликда» айблашганди.

Биринчи хотини вафот этганда у 112 ёшга кирганди. 122 ёшида яна уйланди. Фермер 130 ёшдаям бемалол хўжалигини бошқарар, келида маккажўхори туярди. Англия қироли Чарльзнинг қулоғига Томас ҳақида ҳар хил мишмишлар етди. Бир ярим аср умр кўрган қарияни қирол ўз саройига таклиф этди. Меҳмон қилди, қолишга ундади. 1635 йилда шу тариқа фермер Томас Парр Лондонда, қирол саройига келиб қолди. Лекин унинг кўнгли кенгликларда, ям-яшил ўтлоқлару, мўъжазгина хўжалигида эди.

Британиялик тарихчи олим Роберт Хьюмнинг ёзишича, Томасни саройдалигида ўша даврнинг машҳур мусаввири Рубенсом ва Ван Дейк портретини ишлашган. Саройда қарияни ҳамиша маъюс ҳолда кўришаркан. Портретларида ҳам айнан шу ҳолат тасвирланган.

Эрк одам учун энг олий неъматлигини Томас саройда яққол ҳис қилди. «Томас, бир ярим аср эрк билан яшадингми! Эрким бўлса яна шунча яшардим. Назаримда «тутқунлик»да шу ерда эрксиз ўтган икки ой бир ярим асримдан, умргузарон дамлардан ҳам узоқ... Саройда хасталаниб тўшакка михланиб қолган қария шундай дея ўксинарди. Саройда икки ойгина шоҳона ҳаёт кечиришга улгурган Томас Паррни оқсуяк аслзодалар жасади қўйиладиган Вестминстерск қабристонига дафн этишди.

«Тутқунлик»нинг руҳий азоби Томасни адо қилгани рост. Йўқса, у ўзи айтгандек «яна шунча» яшармиди?!

Эътироф

ОЛИМ БЎЛСАНГ — ЕТДИНГ МУРОДГА

Ҳаётда ижтимоий-инсоний фаолиятнинг қандайдир соҳасида вақти-вақти билан машҳур шахслар намоён бўлади. Сўнг мазкур соҳанинг кейинги ривожланиши ана шу шахсларга маълум даражада боғлиқ бўлиб қолади. Шундай инсонлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Россия ФАнинг мухбир аъзоси, қатор хорижий давлатлар Фанлар академияларининг ҳақиқий аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаевдир.

У киши йирик физик олим, акустика, оптика, лазер физикаси, қаттиқ ва суюқ жисмлар, иссиқлик физикаси, атом энергетикаси, ядро физикаси ва экология соҳасида мутахассис, кенг илмий жамоатчиликка яхши таниш бўлган кўплаб илмий ишлар, монографиялар муаллифи, ихтиролик гувоҳномалари эгаси.

Олимнинг тадқиқотчилик, ташкилотчилик қобилияти шунчалик мужассамлашганки, унинг фаолият йўналиши гоҳида кескин ўзгаради. Биз уни ЎзРФА Ядро физикаси институтининг директори лавозимида ҳам, Фанлар академиясининг вице-президенти, президенти лавозимида ҳам, Республика Олий Кенгаши Раёсатининг Раиси ўрнида ҳам кўрамиз. Ҳозирги кунда у ЎзФАнинг Иссиқлик физикаси бўлимининг директоридир.

Пўлат Қирғизбоевич қаерда ишламасин, қайси институтни бошқармасин, у доим энг илғор, оламшумул даражадаги тадқиқот йўналишларини топишга интилди, уларни ривожлантирди, қўллаб-қувватлади.

Пўлат Ҳабибуллаевнинг илмий қизиқишлар соҳаси жуда кенг. Унинг раҳбарлигида радиоактив изотоплар ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди ва Ядро физикаси институтида радиопрепаратлар ишлаб чиқарадиган корхона («Радиопрепарат») ташкил этилди. Унинг ёрдамида молекуляр биология ва ген инженерлигининг ривожланишида ўта зарур бўлган, радиоактив фосфор-32 ва фосфор-33 изотоплари билан нишонланган радиопрепаратлар ишлаб чиқишдек муҳим муаммо ҳал этилди. Инсон қонидаги «В» гепатит вирусини аниқлашда муҳим бўлган радиоимпульс тўплами, шунингдек, қанд диабети ва бошқа касалликлар диагностикаси учун керакли РИА-инсулин технологияси таклиф этилди, уни саноатда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Академик-олим атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган тадқиқот ишларига алоҳида эътибор беради. У ўз шогирдлари билан экологик жиҳатдан тоза технологияларнинг илмий асосларини ишлаб чиқмоқда ва амалда қўлланмоқда. Илк бор бутун дунё илмий жамоатчилигининг иштирокида Орол денгизини нафақат сув ҳавзаси сифатида, балки яхлит бир экологик тизим сифатида сақлаб қолиш масаласини қўйди. У пахта монокультурасига қарши экосистемани бузувчи, инсонларда оғир касаллик туғдирадиган бутифос, заҳарли пестицидлар, гербицидларнинг қўлланишига қарши кураш бошлади.

Пўлат Қирғизбоевич фан, технологияни ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун шу йил МДҲ олимлари орасида биринчи бўлиб Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг олтин медали билан иккинчи маротаба (биринчи бор 1985 йилда) мукофотланди.

Ҳозирги вақтда ўтказган тадқиқотлар натижалари амалда қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро радиофизиклар жамиятининг ҳақиқий аъзоси бўлишида ҳам П. Ҳабибуллаевнинг хизматлари беқиёс. Ана шу муносабат билан халқаро жамият, Ўзбекистон олимлари академикнинг ҳаракатларига таянган ҳолда яқин вақтлар ичида ташкилий масалаларни ҳал қиладилар ва республикамизда радиофизика фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадилар, деган умиддадир. Ўзбекистон физика фанига бундай баҳо берилиши республикамизнинг илмий жамоатчилиги томонидан олқишланмай иложи йўқ, албатта.

Раҳим БЕКЖОНОВ, академик.

ИНСТИТУТ ИШ БОШЛАДИ

Калькуттада Сятяжит Рей номидаги телевидение ва кинематография институти иш бошлади. Институт қурилишига салкам 2 миллион АҚШ доллари сарфланди. Илмгоҳ бошқарув кенгаши раиси, таниқли режиссёр жаноб Будхадеб Дасгупта мухбирлар билан учрашувда 32 нафар талаба ўқув машғулотларини бошлаб юборганлигини айтиб ўтди.

Ҳозирча ўқув дастури 4 мутахассислик режиссура, кинематография, монтаж ва овоз режиссёрлиги бўйича олиб бориляпти. Келгусида бошқа фанлардан ҳам ўқув машғулотлари бошланади.

ТЕХАС ЛАТИФАЛАРИ

БАЗМ УЧУН БАҲОНА

— Нэд айтди, ўн кун бўлибди, хотини ташлаб кетганига. Ҳалигача қайтмаганмиш.

— Хўш, сен нима маслаҳат бердинг унга?

— Яна бир ҳафта сабр қилиб кут, дедим. Бугун эса шунинг шарафига базм уюштир, деб маслаҳат бердим.

СЕНИНГ ХОТИНИНГНИ ТАН ОЛАМАН

Икки ковбой оилавий турмуш ҳақида баҳслашарди.

— Уйланганимдан кейингина билдим, дунёда аёлларнинг энг зўри хотинимнинг ўзи экан... — биринчиси мақтанди шеригига.

— Иккаламизнинг фикримиз бир жойдан чиқди, — деди иккинчиси. — Мен ҳам энг зўри сенинг хотининг, деб ўйлайман.

ТЎҒРИСИНИ АЙТАМАН

Ковбой қайлиғининг отаси ҳузурига келди.

— Хўш, яхши йигит, қизимга хуштор бўлганлардан нимангиз билан устунсиз?

— Чекаман, ичаман, муштлашаман, жиғимга текканини кольтдан шартта отаман-қўяман, ҳамиша хотинларимни мен ташлаб кетаман...

— Сиз буни устунлик деб ҳисоблайсизми?

— Бўлмасам-чи?! Камчилигим ҳам бор: тўғрисини айтаман қўяман!

ЧЕГАРАЛАР МУСТАҲКАМЛАНЯПТИ

Россия чегара федерал қўшинлар командири, генерал Андрей Николаев интервью бера туриб, шуни маълум қиладики, ҳозир чегара қўшинлари таркибидаги 210 мингдан зиёд аскарлар ўз артиллерияси, вертолётлари билан нафақат Россия чегара чизиғини, балки Белорусь, Арманистон, Грузия, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон чегаралари дахлсизлигини ҳам таъминламоқда.

Николаевнинг айтишича, бу ишда МДҲ давлатлари миллий хоҳиш-истаклари ҳам инобатга олингандир. 1995 йил 1340 нафар Россия чегарасини бузишга интилган шахслар қўлга олинди, 57 минг киши эса ҳужжатлардаги ноаниқлик туфайли ушланди.

ҲАЛИ РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИ

Хитой мультипликаторлари ҳали Уолт Дисней ишлаб чиқараётган фильмлар билан баҳс босойлашадиган даражада эмас, деб ёзишди «Чайна Дэйли» саҳифасида кинотанқидчилар.

Танқидчиларнинг фикрича, Уолт Дисней суратга туширган фильмларнинг бадиий савияси анча юқори, воқеалар ҳаётийлиги билан томошабинни ҳайратга солади.

Хитой фильмларида эса болалар учун комик қаҳрамонлар ва фантастик воқеа-ҳодисалар етишмайди. Яна бир томони — Ғарб фильмларига нисбатан баҳосининг юқорилиги билан фарқланади.

Шунга қарамай телекомпания Хитой мультипликаторлари яратган фильмларга кенг эътибор беряпти. Хитойлик мультфильм ижодкорлари ўз ишларида кескин бурилиш ясаб, Дональд ўрдакчаси ёки Микки Мауздек болалар олқишига сазовор буладиган қаҳрамонлар яратишлари лозим, деб ҳисоблайди «Чайн Дэйли» газетаси.

МОДДИЙ АҲВОЛ ЁМОНЛАШЯПТИ

Буюк Британиядаги университетларнинг қарийб ярмига давлат томонидан берилаётган моддий таъминотда жиддий узилиш рўй бермоқда, деб ёзади «Таймс» газетаси. Олий таълим молия қўмитасининг ахборотига қараганда, 2000 йилга бориб аҳвол бундан ҳам мураккаблашиши мумкин.

Шунинг учун университетлар ўз-ўзини таъминлаш тизимига ўтиши талаб этилади. Кембриж университети вице-канцлерининг айтишича, университет ҳозирги кунда қатор моддий қийинчиликларни бошдан кечиряпти. Ҳатто микроэлектроника соҳасидаги ўқитувчиларга ҳақ тўлашга қурби етмаяпти. Ўқув қуроллари етказиб беришга ва тадқиқотларни молиявий маблағ билан таъминлашга ҳам кучи етмай қолди.

Агар аҳвол шу зайлда давом этиб, давлат моддий таъминотида ўзгариш бўлмас экан, вице-канцлернинг айтишича, университет келгуси йилдан студентларни 300 фунт стерлинг бадал тўлашга мажбур этади.

Рўёми — риёми

«82 йил олдин ўлгандим...»

Дунёга бир марта келамизми? Ҳа, деймиз ҳеч иккиланмай. Лекин бир тоифа одамлар ҳам борки, улар йўқ деб инкор этишяпти.

Кейинги вақтда улар ҳақида кўплаб шов-шувлар тарқаляпти, маълумотлар айтиляпти. «Ўлиб-тирилган»лар қанча. «Ўлиб-тирилиш» — юрак тўхташи бор гап. Тиббиётда «клиник ўлим» деган тушунча борку. Лекин бундан аввал ҳам қаердадир, қачондир яшаган, яъни дунёга 2-3 карра келадиганлар ҳақида эшитганмисиз?

Ҳозир «иккинчи» марта яшаётганлар фанга маълум бўляпти. «Бундан 100 йил олдин яшаганман, ўлиб — қайта яна дунёга келдим» ёки «Мен тарихий воқеаларнинг «гувоҳи» бўлганман» дегувчиларни фан, мутахассислар, руҳшунос олимлар алоҳида тадқиқ этишга киришди. Шундайлар бор. Жорджия штатида яшовчи аёл...

Атланталик Жорджия Рудольф ҳозир 44 ёшда. Ҳаётида «ўша саёҳат» бўлмаганда эл қатори тинчгина яшаб юрган бўлармиди?

У Огайо штатига саёҳатга борди. Ўзини ғалати ҳис қила бошлади. Айниқса, штатнинг Мариетта шаҳри кўчаларида бемалол «ўз уйида» юргандек бўлди.

Жорджия «шу ерда яшаганманку, сал-пал ўзгарибди-я!» деганда шериклари ҳайратдан ёқа ушлашди. У бундан 100 йилча илгариги шаҳар қиёфасини хотиралай бошлади.

«Мен Сандра Женкинсман!»

Ҳа, шаҳар маҳаллий тарихчиси Том Фостер уни «таниди». Шаҳар аҳоли рўйхати сақланадиган архивга мурожаат қилиб «уни» топди. Тарихчининг айтишича: «ўша даврда яшаган одамларнинг номларини, тарихий воқеаларни шунчалик аниқ эслайдики, гўё тарихий фильмни ҳикоя қилаётгандек...»

Унинг «хотираси қачон қайтган? Аввал ҳам эслаганмикан? Табиийки, ҳаммани шу савол қизиқтирарди.

— Аниқ эсимда беш яшарча эдим. Бехосдан «ўтмиш» кўз олдимга кела бошлаганди. Черковда, этагимнинг бари ерга судралган узун оқ кўйлакда турибман. Шу-шу черков, оқ кўйлак ботбот кўзимга кўринадиган бўп қолди. 15 ёшимда эса черковдан чиқиб тўппа-тўғри қабристонга «бордим». Онамнинг қабрига. Бу эслашмас, хаёлмас, ростакамига онамнинг руҳи билан чўккалаб ўтириб «гаплашдим». Бундай «бориш»лардан 800 мартадан ҳам ошиб кетди... Баъзида ойига бир мартагина «борардим». Шунчалик аниқ-тиниқки, буни «эслаш» дея олмайман.

Миссис ҳамиша атрофдагиларига «онаси» сиймосини гавдалантиришга тиришарди. Аниқроғи, «бегона аёл»ни. Ахир у билмасди-да, ўшанда онаси эканлигини: ёш дилбар жувон, очиқ яшил кўйлакда, «Виктория» хонимлари удумида тикилган қироличалар ёқалик, узун енглик... Аёл менга жуда-жуда таниш» дерди нуқул Жорджия таниш-билишларига.

Жорджия узоқ йиллар ўша «бегона»лар орасида «яшади». Улар орасида «Мариетта!» қулоғига жуда таниш бўп қолганди. 1979 йилдагина Мариетта шаҳар номи эканлигини билди. Ўшандан бошлаб шаҳарни кўриш истаги туғилди. Ташқи бир куч уни ўша ёққа судрарди.

— Авваллари ўтакам ёрилгудек қўрқардим. Ақлдан озяпман, шекилли, деб ўйлардим. Докторга бордим. Руҳшунослар ўшанда мени гипноз билан «ёшлигим», «болалигим»га қайтаришди.

«Сандра!» кимдир узоқ-узоқлардан мени чақирди. «Ойижон, шу ердаман!» Узоқдан менга қараб ўша гўзал жувон қучоқ очиб кела бошлади. Чопаётиб... йиқилдим». Кўзимни очдим. Доктор сўради: «Нечанчи ёшдасан, Сандра?» Айтдим: «Сандра Жин Женкинсман, ёшим 12 да...» Кейинги сеансда миссис Рудольф «эслади» — «1895 йилда туғилганман... 19 ёшимда сувга, кўлга чўкиб кетганман. Ўдагим бу дунё юзини кўролмасдан нобуд бўлди.» «Нега Сандра?» узоқдан докторнинг овозини элас-элас зўрга англадим: «...Энг яқин кишим... вафот этди... Усиз яшай олмасам керак... Шу кўл бўйида сайр қилардик... Сувга ғарқ бўлганим яхши! Чўкиб кетдим...»

Докторнинг саъй-ҳаракатига Огайо архивидан жавоб хати келди: Мариеттада Женкинслар оиласи яшаган. 1914 йилда 19 яшар Сандра Женкинс сувга чўкиб ўлган...» Архивдан хонадоннинг 1908 йилда тушган суратини юборишган. Суратда 13 яшарлик Сандра ҳам бор эди.

— Мариетта шаҳрига келган заҳотимоқ «ўзимга» келдим. Дарҳол черковга чопдим, сўнг қабристонга... Женкинсларга тегишли «уй»ниям топдим. Болалик хотирамдаги «уйим», ўша муъжазгина чорбоғ, ўша уй... Анвойи гуллар. Афсус, гуллар «йўқ» бўп кетибди. Ҳатто кўл ҳам...»

Миссис 1948 йилда яна қайта дунёга келди. Фақат энди у Сандра эмас, балки Жорджиядир. Негадир у «Сандра!» бўлиб яшашни истайди. Балки инсоннинг руҳи кўпроқ ўтмишга интилар.

Диққат, обуна бошланди!

ОСИЁ БОЗОРИ

ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Муҳтарам газетхон!

Мана қарийб бир йилдирки, "Ўзбекистон овози" газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси бўлган "ОСИЁ БОЗОРИ" рўзномаси мунтазам хонадонингизга кириб боряпти. Ушбу газетага 1997 йил учун обуна бошланди.

"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:

- мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай бораётганлигидан хабардор бўласиз;
- кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;
- молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;
- қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;
- ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.

"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс: 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси маъмурияти ва жамоаси Бухоро вилоят инкассация бошқармасининг бошлиги **Азим Шаропович АЗИЗОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ШОҲМОТ»МИ ЁКИ «ШАХМАТ»?

Мутахассис мулоҳазаси

Салкам икки минг йилдирки, жаҳон халқлари тафаккурининг бир самараси ҳисобланувчи шахмат давр синовларига бардош бериб, тобора бойимоқда, жаҳон маданияти хазинасига ҳисса қўшмоқда. Кўпгина мамлакатларнинг йирик кутубхоналари ва музейларида шахмат санъатига оид асарлар — қадимий қўлёзмалар, босма китоблар ва бошқа материаллар сақланиб келинаётганлиги энциклопедик луғатларда шахматга ва зўр шахматчиларга махсус саҳифалар ажратилиши ҳам шу боисдандир.

Кейинги 60 йил мобайнида жаҳон халқлари тилларида шахмат маданияти тарихи ва амалиётига бағишланган кўплаб асарлар яратилдики, улар сони ва мазмуни жиҳатидан билимнинг кўпгина соҳаларига оид асарлар билан рақобат қила олади.

Шахмат Ҳиндистонда пайдо бўлиб, кейин бошқа ўлкаларга ёйилган. Лекин ҳамма жойда бир хилда ривожлана олмаган. Бунга ўша ўлкалардаги тарихий воқеалар, халқнинг маданий савияси, миллий ҳамда турмуш шароити таъсир кўрсатган. Баъзи халқлар шахматни қабул қилгач, унинг доналарини ўзлари учун қулай шароитга киритган, бошқалар эса шахматнинг қадимий, асл маъносига путур етказмасликка ҳаракат қилган. Ўрта Осиёда шахмат доналарини азалий номлари деярли ўзгармаган. Эрон, Озарбойжон халқларида шахмат доналарининг номларида жуда кам фарқ юз берганлиги бу ўлкаларда шахматнинг тахминан бир вақтда пайдо бўлганлиги билан боғлиқ.

Шахмат — «шоҳ ва мот» сўзларидан ташкил топган бўлиб, бу сўзлар ўйиннинг асосий моҳиятини ифода этади. «Шоҳ» сўзи форс, ўзбек, тожик, озарбойжон, туркман, ҳинд тилларида подшоҳ, ҳукмдор деган маънони билдиради. «Мот» эса ҳинд ва араб сўзи бўлиб, «ўлмоқ», «ўлди» деган маънодир, лекин озарбойжон, ўзбек ва бошқа тилларда у «ўлди» маъносида эмас, балки «умидсиз вазиятга тушиш», «ҳайронлик», «кумаксиз қолиш», «енгилиш», «мағлуб бўлиш» каби маъноларда ишлатилади. Бу шахмат ўйинининг мазмунига мос келади. «Шоҳ мот бўлди» дейилса-да, аслида шоҳ ўлмайди, яъни бошқа доналар — сипоҳлар каби тахтадан олиб ташланмайди, балки унинг ҳамма йўллари тўсилиб, уҳибга олинади. Мот қилинади. Араб тарихчиси Равандий ҳам «мот» сўзини «ўлмоқ» маъносида ишлатмаган. У шахмат илоҳининг қочадиган жойи қолмаса у мот бўлади, дейди. Фурсат Ҳусайний Шерозий ҳам шу фикрни қувватлайди ва «мот» шатранжбозлар ишлатадиган сўздир, деб унинг шахмат ўйинига оидлигини таъкидлайди. Фирдавсий ҳам «мот бўлмоқ» деганда, ўлдирилишни назарда тутмаган. Низомий, Жомий, Навоий асарларида ҳам шундай.

Ўзбекистонда шахмат ўйини 1920 йилларнинг бошларигача «шатранж» деб аталарди. «Шатранж» аслида ҳинд тилидаги «чатуранга» сўзидан келиб чиққан. Санскрит тилида «чатур»—тўрт, «анга» — таркиб маъноларини билдиради. Шахмат илк даврда ижод этилганида «чатуранга» — чатурража деб аталган, кейин Ўрта Осиё, Эрон ва араб мамлакатларига ёйилгач, «чатуранга», «шатранг» ва ниҳоят, «шатранж» деб талаффуз этила бошланган.

Энди бевосита юқорида қўйилган саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Дастлаб «шоҳ» сўзи ҳақида. Бунинг учун энг маъқул иш Шарқ мумтоз адабиётига, аввало Алишер Навоий асарларига мурожаат қиламиз. Ўз умрининг сўнгги йилларида яратган фалсафий асари — олтинчи шеърий достони «Лисон-ут тайр»да мажозий образлар ва уларнинг рамзли саргузаштлари орқали объектив борлиқни эътироф этган, инсонни кўкларга кўтарган. Бу асарда «Шатранжи кабр ҳикояти» сингари реалистик ҳикоялар ҳам бор. Навоий икки томоннинг бир-бирига қарши юришларини ҳарбий урушларга ўхшатади ва ҳарбий атамалардан кенг фойдаланганини айтади. Навоий ҳикоядан ажойиб хулоса чиқариб «бу икки шоҳ»нинг «уруши» тахтада турган доналар— сипоҳу пиёдаларни бир «силкиб юбориши билан ном-нишони ўчадиган уруш» деган.

Энди бизни қизиқтираётган атаманинг иккинчи бўлаги ҳақида фикр юргизадиган бўлсак, ўзбек тилида «мот» тарзида талаффуз этилувчи бу сўз арабча эканлигини назарда тутган ҳолда унинг асл ёзилиши ва талаффуз қилинишига эътиборни жалб этиш лозим бўлади. Араб тилида «О» ҳарфининг йўқлиги туфайли бу сўз «мат» шаклида ёзилиши турган гап.

Юқоридаги мулоҳазалардан мухтасар хулоса шуки, бизни қизиқтираётган сўз — атама ўзбек тилида «ШОХМОТ» ёки «ШАХМАТ» шаклида эмас, балки «ШАХМАТ» тарзида ёзилса ва талаффуз этилса, айни муддао бўларди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг фахрий президенти.



БУРГУТҚОЯ. Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-26-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0563

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎзР ФА И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти қуйидаги бўлимлар бўйича бўш ўринларни эгаллаш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— Ижтимоий фалсафа ва социология — катта илмий ходим (1) (фалсафа фанлари номзоди);
— қишлоқ хўжалиги ва экология ҳуқуқий — бўлим мудири (1) (юридик фанлари доктори, юридик фанлари номзоди);
— мулк ва бозор муносабатлари ҳуқуқий муаммолари — катта илмий ходим (1) (юридик фанлари номзоди).
Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700170, И. Мўминов кўчаси, 9. Академиклар кўчаси, ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 6-қават. Илмий котиб.

«МЕРИДИАН-А» фирмаси
ISTIQLOL
табиий ва шифобахш **«Истиқлол»**
Тошкент маъданли сувини таклиф этади.
Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.
Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан
Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.
Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Зокиров кўчаси, 3-уй.
Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари» санаторийси
Телефонлар: (3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.

«Она ва фарзанд» ИИБси қўшма корхонага айланиши муносабати билан вақтинча ўз фаолиятини **ТЎХТАТДИ.**

ЎН САВОЛГА БИР ЖАВОБ

1. Бугун Ер юзида қандай воқеалар рўй бермоқда?
2. Ҳамдўстлик мамлакатларида нима гап?
3. Ислоҳотларни жорий этишда кимлар ибрат кўрсатишяпти?
4. Меҳнат жамоаларида қандай эътиборли тажрибалар тўпланган?
5. Миллий мафкурамизни бойитаётган олимлар ва адибларнинг публицистик мақолалари қаерда чоп этилади?
6. Мамлакатимизда янгидан қандай иншоотлар барпо этилди?
7. Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарларидан намуналар билан танишиш мумкинми?
8. Оила даврасида одоб-ахлоқ мавзуида ҳикоятлар ўқишни ҳоҳлайсизми?
9. Бюрократ, порахўрларнинг фош этилган башараси қанақа?
10. Эл оғзида юрган миш-мишлар ҳақида расмий шахслар нима дейди?

Шу ва шу каби саволларга йил бўйи мунтазам жавоб оламан десангиз,
"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га
обуна бўлинг!

СП «ИНМАРК» предлагает:
- кафель-евростандарт
- сантехника
- ванны обычные и с гидромассажом
- двери и окна деревянные со стеклом
- кухонные и ванные гарнитуры
- высококачественную мужскую обувь производства Турции.
- одежду официальных лиц (сотрудников милиции, налоговых служб, военнослужащих и т.д. обувь и форменная одежда.)

г. Ташкент, ул. А.Кадыри, 78

СП AGG LTD CO
предлагает
сервисное обслуживание автомобилей иностранного производства «Мерседес», «BMW», «РЕНО» и т.д.



Тел: (3712) 44-81-92, 44-81-93, 44-09-24
Факс: (3712) 89-16-48

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 1996 йилда қуйидаги мутахассисликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Умумий тилшунослик, герман тиллари, роман тиллари, миллий тиллар, чет тиллар ва рус тили ўқитиш методикаси, ҳозирги замон адабиёти, Ғарбий Европа мамлакатлари, Америка ва Австралия адабиёти, назарий педагогика ва педагогика тарихи.

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари программаси ҳажмида қуйидаги танлов кириш имтиҳонларини топширадилар: мутахассислик бўйича, фалсафа, Ўзбекистон тарихи ва чет тилларидан бири.

Кириш имтиҳонлари 1996 йил 10 ноябрда бошланади.

Қабул қилинган тартиб асосида расмийлаштирилган шахсий ҳужжат ва мутахассислик бўйича рефератни 25 октябрга қадар юбориш керак.

Манзилгоҳимиз: 700138. Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Собир Юсупов кўчаси, Г-9а мавзеси, ЎзДЖТУ, аспирантура бўлими.
Телефонлар: 75-55-61, 75-09-91.

"КЎМИР"
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АЪЛО СИФАТЛИ ҚАТТИҚ ЁҚИЛҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАДИР!
"Ўзбеккўмир"
фирмаси турли маркадаги кўмирларни СОТАДИ

шунингдек, тошкўмир брикетларини ва қадоқланган кўмирни Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида жойлашган ёқилғи-савдо корхоналарининг вилоятлардаги улгуржи-чакана савдо омборларидан келишилган, арзон баҳода етказиб беради.

Ҳақ тўлаш усули турлича:

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
Нукус шаҳрида 3-26-11
Навоий шаҳрида 4-52-11
Андижон шаҳрида 4-33-58, 4-54-59, 4-28-40
Гулистон шаҳрида 25-48-56
Бухоро шаҳрида 5-76-64
Самарқанд шаҳрида 35-03-17, 31-15-61
Жиззах шаҳрида 4-45-67
Термиз шаҳрида 4-95-60, 4-95-62
Қарши шаҳрида 4-48-10, 2-21-28
Фарғона шаҳрида 24-53-79, 24-33-59
Наманган шаҳрида 3-75-48, 3-76-41
Урганч шаҳрида 6-41-05
Тошкент шаҳрида 44-53-54, 44-35-93, 41-78-40, 41-78-41.